

Ишни Судга Қадар Юритишда Қимсан Реабилитация Институтини Қўллаш Амалиётини Такомиллаштириш Истиқболлари

Асқаров Мирзохид Миржалол ўғли

Ички ишлар вазирлиги Академияси Ички ишлар органлари фаолиятини услубий таъминлаш
маркази бош илмий ходими, майор

Аннотация: Мазкур мақолада қисман реабилитация этишнинг қонунчиликда белгиланган асослари, хусусиятлари, бу борада суд-тергов амалиётида юзага келаётган айрим муаммолар таҳлил қилиниб, ишни судга қадар юритиш босқичида қисман реабилитация этишнинг асослари доирасини каенгайтириш, ЖПКнинг 303-моддасининг биринчи қисмига бу ҳақидаги нормани киритиш илгари сурилган.

Калим сўзлар: тергов, суд, оқлов, реабилитация, қисман реабилитация, хорижий давлатлар, мулккий зиён, маънавий зарар, оқибат.

Маълумки, жиноят-процессуал муносабатларда реабилитация институтининг икки тури (тўлиқ ёки қисман) мавжуд.

ЖПКнинг 303-моддасида қисман реабилитация этишнинг асослари ва оқибатлари келтириб ўтилган. Унга кўра:

- 1) шахснинг қамокда ёки уй қамоғида сақлаб турилганига қараганда қамроқ муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки озодликни чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлиги;
- 2) ҳукмдан айбловнинг қисман чиқариб ташланганлиги ва бунинг натижасида қонунга кўра қамокда ёки уй қамоғида сақлаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш мумкин эмаслиги;
- 3) озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш муддатининг юқори суд томонидан ҳақиқатда ўталган муддатга қараганда камайтирилганлиги ёхуд бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштирилганлиги;
- 4) жиноий жазо тайинламай ҳукм чиқарилган ҳолларда ушлаб туриш, қамокқа олиш ёки уй қамоғининг, тиббий муассасага жойлаштиришнинг асоссизлиги.

Назаримизда, қонунчиликда дастлаб эълон қилинган айбловдан айримлари тугатилган ёки модданинг оғирроқ қисмидан енгилига қайта малакалалган шахсларни қисман реабилитация қилиш масаласи эътибордан четда қолган.

Бизнингча, шахсга нисбатан бир нечта айблов (модда) билан ёки бир модданинг оғирроқ қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов даврида унинг зиммасидаги айрим айбловлар тугатилиши ёки эълон қилинган айблов оғиридан енгилига қайта малакаланиши шахс қисман реабилитация этилиши мумкинлигидан далолат беради.

Чунки, бу каби ҳолатлардан ишни қўзғатиш жараёнида шахсга нисбатан сунъий айбловларни кўпайтириш ёки бир модданинг оғирроғи билан иш қўзғатиш орқали уни ушлаб туриш,

қамоққа олиш ёки уй қамоғига жойлаштириш, лавозими (вазифаси)дан четлаштириш ёхуд тиббий муассасага жойлаштириш ёки қонунга хилоф равишда бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва тергов ҳаракатлари ўтказиш мақсад қилинган бўлиши мумкин.

Масалан, шахсга нисбатан тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 104-моддаси 2 ёки 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, шахс процессуал тартибда ушланган ва қамоққа олинган. У ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани учун лавозими (вазифаси)дан четлаштирилган. Бироқ, тергов даврида айбланувчи томонидан жабрланувчига етказган реал шикастнинг оғирлик даражаси унинг соғлигининг ёмонлашувига сабаб бўлган энгил шикаст эканлиги, ундаги аниқланган бошқа оғир шикаст билан айбланувчининг ҳаракатлари ўртасида сабабий боғлиқлик йўқлиги аниқланган. Натижасида, унинг қилмиши ЖКнинг 109-моддасига қайта малакаланган.

Ушбу вазиятда айбланувчи ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган бўлса-да, унга нисбатан оғирроқ модда билан иш қўзғатилиб қонунга хилоф равишда ушлаб турилган ва қамоққа олинган. Шунингдек, у қамоққа олингани туфайли лавозими (вазифаси)дан четлаштирилган. Холбуки, бу вазиятни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этгани учун шахсни ушлаб туриш ЖПКнинг 220-моддасидан қўзланган мақсадга (*Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жинойий фаолият билан шугулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.*) ҳамда 242-моддаси талабига (*Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексидан уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.*) зиддир.

А.Я. Сатторофнинг фикрича қисман реабилитация тушунчаси энг мунозарали ва муаммоли масала ҳисобланади. Бироқ, қисман реабилитация процессуал жиҳатдан тўлиқ тартибга солинмаганлиги унинг имкониятларини амалга оширишга тўсқинлик қилади. [1]

Шунингдек, шахс қисман ёки тўлиқ реабилитация этилганда келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларда ҳам сезиларли фарқлар мавжуд. [2] Шу нуқтаи назардан қисман реабилитация этиш шахсга етказилган мулкий зиённинг асоссиз қисми қопланишига ва маънавий зиён оқибатларининг баргараф қилинишига асос бўлиши лозим.

Бу борада Хамадишин Д.З. қуйидаги фикри илгари суради. “Терговда шахс зиммасидан унга эълон қилинган айрим айбловлар чиқариб ташланиши ёки айнан бир жиноятнинг оғирроқ қисмидан энгилроғига қайта малакаланиши бинобарин уни айбдор деб топилганлигини билдиради ва салбий жинойий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган оқибатни келтириб чиқаради”. [3] Унинг ушбу фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Чунки, шахснинг ушбу жараёнларда меҳнат ва турар-жойга бўлган ҳуқуқи бузилиши, аввалги иш ҳақи ва бошқа моддий неъматлардан айрилишида намоён бўладиган мулкий зиён кўриши мумкин.

Бундан ташқари, Д.В.Татьянин илмий қарашларида агарда шахс гуруҳ таркибида жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ушлаб турилса ва кейинчалик унинг қисми жиноят ишидан ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилган тақдирда ҳам, гарчи у айбли деб топилмаган бўлса-да, ҳар ҳолда унинг қонун билан қўриқланадиган шаъни ва кадр-қимматини оммавий қораланишига, бошқаларда унга нисбатан салбий қарашлар пайдо бўлишига, номига доғ тушишига, аввалги обрўсини йўқишига олиб келиши таъкидлайди. [4]

Бу каби вазиятларда шахсга нисбатан эълон қилинган айбловнинг тугатилган қисми қонун нормаларини нотўғри қўллашдаги, қилмишни малакалашда эса давомли ва такрорий содир этилган жиноятларни фарқлашдаги (аксарият ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш ҳақидаги қарорларда ушбу белгилар аниқ кўрсатилмайди) йўл қўйиладиган хатолар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қисман реабилитация масаласи Россия Федерацияси ЖПКда тартибга солинмаганлиги назария ҳамда суд-тергов амалиётида кўплаб мунозарали ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

[5] Чунки, тўлиқ реабилитацияни тартибга солувчи қондалар билан қисман реабилитацияни ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг имкони йўқ.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 42-моддасида мувофиқ давлат шахсни тўлиқ ёки қисман реабилитация этилганлиги тўғрисидаги ваколатли идоранинг қабул қилган қарорини тан олади ва унга етказилган зарарни қоплайди. [6] Бу каби давлатлар қаторига Туркменистон Республикасини (ЖПКнинг 38-моддаси) ҳам киритиш мумкин. [7]

Таҳлил ва тадқиқ натижаларига кўра, ЖПКнинг 303-моддасида қисман реабилитация этиш учун шахснинг қамоқда ёки уй қамоғида сақлаб турилганига қараганда камроқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликни чеклашга ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлиги асос бўлиши белгиланган. Таҳлил қиладиган бўлсак, тергов даврида ушлаб туриш, қамоқда ёки уй қамоғида сақлаш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий ва бошқа оқибатлар озодликдан маҳрум этиш ёки озодликдан чеклаш туфайли келиб чиқадиган оқибатлар билан бир хилдир.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, шахс ишни судга қадар юритиш босқичида ҳам қисман реабилитация этилиши лозим.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясининг 55-моддасида “Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади” деб белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ЖПКнинг 303-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирдаги 5-банд билан тўлдириш таклиф этилади: *“илгари эълон қилинган бир нечта айбловдан лоақал биттаси тугатилиши ёки бир айбловнинг енлигилига қайта малакаланиши натижасида шахсга эълон қилинган айблов фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят сифатида баҳоланган ҳолларда қамоққа олиш, уй қамоғи ёки тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларининг асоссизлиги”*

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Сатторов А.Я.* Жиноят процессида реабилитация институтини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш. Дисс. ... ю.ф.б.ф.д. –Тошкент: Судялар олий мактаби. 2023 – 56 б.
2. *Веретенникова Е.В.* Компенсация морального вреда реабилитированным в уголовном судопроизводстве России. Дис. ... кон. юрид. наук. – С. 77. <https://www.dissercat.com/content/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 11.11.2023)
3. *Хамадишин Д.З.* Механизм реабилитации лица в уголовном процессе. Дис. ... кон. юрид. наук. – С. 142. <https://www.dissercat.com/content/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 14.11.2023)
4. *Татьянин Д.В.* Реабилитация в уголовном процессе россии (понятие, виды, основания, процессуальный порядок). Дис... .кон.юрид.наук. – С. 136. <https://www.dissercat.com/content/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 13.11.2023)
5. *Орлова А.А.* Реабилитация в уголовно-процессуальном законодательстве зарубежных стран. <https://naukarus.com/>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 21.09.2023).
6. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 12.09.2023).
7. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 12.09.2023).